

# ТОШКЕНТ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

# ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чика бошлаган. № 185 (7. 274) 1990 йил 16 август, пайшанба Ҳафта 3 тини.

Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми олдида

## Саховат, садоқат, камтарлик

ПАРТИЯ АЪЗОСИ ФАЗИЛАТИ БЎЛИШИ КЕРАК

МЕН партиянинг некса аъзоларидан бирман. Не-не кемчилларни кўрмади бу оқ бошим, партия раҳнамолари не-не кўйларга солмади бу жанговар уюшмамизни. Оқибатда, халқ ибораси билан айтганда фирқаларнинг деярлик ҳаммаси ким «тепа»дан тур деса, ҳайкалдек қотадиган, ўтир деса чалқанча ётадиган даражага етиб қолди. Қатагон даврининг ур-сурлари оддий одамлар нари турсин, ҳатто коммунистларни ҳам юрак ҳовучлатиб қўйди. Ахир, ўша ҳунрезлик йилларида халқ номидан душман деб халқнинг миллионлаб асл фарзандлари, нөөб иқтидорлари отиб ёки осиб ўлдирилганлигини ҳозир ким билмайди дейсиз.

Одамларнинг кўзлари кўр, қўлоқлари қар эмас: бу ваҳшийликларнинг ҳаммаси партия номидан амалга оширилди. Уюшмамиз обрўси дабдала ана ўша йилларда дарз кетди. Ҳўш, доҳийликка даъвогар лиқаҳоким раҳнамо қилмишлари учун неча юз минглаб покиза кишилардан ташкил топган ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар партиясини айблаб бўладими? У ҳолда сизнинг бобонгиз, унинг отаси, акасининг аманиси, бунинг буниси, менинг акам, хуллас, ўзимиз каби оддий заҳматнаш одамларнинг ҳаммаси айдоқку!

Кўрқоқлик — лаганбардорликнинг доясидир. Бу ибрга ичига «амалластликнинг ҳам» деган сўзни қўшиб қўйиш жоиздир. Зеро, қатагон йиллардан келадиган маънавий меърига етказиб ўрганиб олдилар. Бу машқ билан овора бўлиб улар, минг афсуски, ҳаққоният йўлида, миллий руҳиятисиз абадийлик йўлида ўлимга тик боққан Акмал ота, Файзулло бобо, ҳазрати Фитрат, Чўлпон, Носир, Қодирий каби алломаларни ҳатто ҳаёларига ҳам келтирмадилар, аксинча уларни қоралаб ёган қорғолардан пилалоп асал, амал курсларига чиқиб олдилар.

Одамлар беғирон ва беғаросат эмас: чўлга ҳужум бошлаб, Оролин биебонга, туз қонига айлантиришдек гап-рависовий фожиа ҳам партия номи билан амалга оширилди. Тили драг қалимага келадиган партиянинг ўша пайтдаги ишқуд раҳнамолари кишиларни учун қўлларни қалдоқ минг-минглаб чўлқурлардан ташкил топган ҳужумкор уюшмамиз айбдорми?

Ҳўш, айдоқ ким? Аввало, айбон ўзимиздан, шу аччиқ ҳақиқатни кўчилик онгига етказиб бера олмаётган мафкура ахлдан изламоқ даркор. Қолаверса, ўзининг одоб китобига эвоқлик, садоқат ва саховат туйғуларини тизиб қўйган буюк ва фаршатадай пок уюшмамиз сафларига қамол топган отлар ва болаларимизнинг ҳозирги айрим насллари етмиш йил давомидаги барча қайғу-ҳасратларимиз учун миллионлардан ташкил топган партияга чанг солишмоқдаки, бу билан улар шахс билан жамоа ўртасидаги фарқни кўролмайдиган нўноқларга айланиб қолишяпти, иккинчидан, партия иши — ҳаққоният иши учун ўзларини кўрбон қилганларнинг уюшмамизга бўлган садоқатини оёқ ости қилляпти.

Ҳа, партиямиз обрўсига бироз пўтур етди. Баъзилар унинг сафларидан чиқиб кетишяпти. Бу ҳолда айрим-айрим гангуб, чўчиб қолишди. Йўқ, бу гайратиний эмас, аксинча жуда ўринли ҳодисалар. Негаки, ёнимиздаги беқарорлардан қанчалик тез кўтулсак, шунчалик яхши, илдамроқ юриш оsonлашди.

Сир эмаски, тин ила жон — бир гавад. Хар қандай кимса шу жисм обрў-эътибори учун курашсади, уни гардаси сақлашга интилади. Уюшмамиз бир бутун жисминизга айланиши учун дохий Ленин таъкидлаганидек хар бир коммунист, айниқса, раҳбар ҳодим ҳаминша саховатли, ўз гоисига садоқатли, айни пайтда ниҳоятда қамтар ва самимий бўлмоғи лозим. Қўполлик партия ҳодимини оммадан узоқлаштиради.

Афсуски, баъзи партия ташкилотларининг айрим маъсул ҳодимлари ҳанузгача турални иллатларидан қутула олмапти. Баъзан у ёки бу масала юзасидан партия комитетига неглан кишилар, гоҳо коммунистлар ҳам қабўлхонда узоқ ўтириб қолишяпти. Баъзан эса бирор илиқда келган шахс коммунист раҳбар ҳузуридан кўнгли тўймай чиқади. Надоматлар бўлинсинки, бу хилдаги муҳит шаҳримиздаги партия ташкилотларида ҳамон ўз ҳўминини ўтказиб келляпти.

Илгари партия ҳодимига осон эди. Негаки, партия жамятиямизнинг раҳбар кучи эди. Энди эса у фақат етакчилик ролин ижро этмоғи лозим. Маълумки, инсон ўз вақтининг атиги учдан бир қисминини ишхонада ўтказиши. Вақтининг қолган қисми унинг ўз амин-ихтирида. Шундай экан, эндиликда мафкуравий ишларимизнинг асосий марнази турар жойларга, маҳдлаларга, мавзеларга кўчирилмоғи лозим.

Ҳўш, бу муҳим масалага эътибор қай даражада? Очиг эътироф этмоқчиликки, 400 дан ортқ маҳдлаларнинг атиги бир нечасидангина бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатяпти. Демак, биз партиянинг неча ўн йиллар олдинги мавқени тикламоқчи эканмиз, одамларга яқинлашмоғимиз лозимку, ахир! Кишилар ишдан кейин нима билан машғул, уларнинг оилавий аҳволлари қалай, болалар тарбияси, одоб-ахлоқ оилада яхшиини, тўй-маъракалар давр нафасига мосини — афсуски, бу муҳим масалалар кўпгина коммунистларнинг назаридан ҳанузгача четда турибди.

Мен бошчилик қилаётган маҳдла партия ташкилотига 40 дан ортқ коммунист бор. Уюшмамиздаги хар бир партия аъзоси саховатпешалиги билан ажралиб туради. Коммунистнинг оилаларга гамхўрлиги кишиларда фақат шу шахсгагина эмас, умуман, партиямига чексиз ҳурмат-эҳтиром туйғуларини кўчатиради. Турар жойларда фаолият кўрсатяётган коммунист учун эзгу гоиларга садоқат ва инсоний камтарлик партиямиз обрў-эътиборини юксалтиришда муҳим роль ўйнайдиган энг асосий фазилатлардир.

Бегинжон ҚОРАБЕКОВ, маҳалласи бошланғич партия ташкилотининг котиби.

### Тонгги рўзномаларда

«20-50-йиллардаги сиёсий қатагон барча кўрбонларнинг ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида» Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг Фармони берилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси «Жиззах ва Сир-

дарё вилоятлари партия, совет ва ҳўжалик идораларининг пахта ҳосилини ўз вақтида ҳамда сифатли йиғиштириб олишга довр ташкилий-сиёсий тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур тадбирлар бугун жумҳуриятимиз рўзномаларида эълон қилинган.

### «ПРОГРЕСС М-4» ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

«Мир» илимий-тадиқот комплексининг бундан бўйинги ишлари режаларига мувофиқ 1990 йил 15 август кунин Москва вақти билан соат 08 дан 01

минут ўтганда Совет Иттифоқида «Прогресс М-4» автомат юк кемаси учирди. Кемани учиршдан мақсад учувчи бошқарадиган «Мир» комплексига сарф бўладиган

материаллар ва турли юкларни етказишдан иборат. Телетрич ахборот маълумотларига қараганда, автомат юк кемасининг системалари нормал ишламоқда.

## Дала неъматлари — тошкентликлар дастурхонига

### УЛАРНИ ЙИҒИБ-ТЕРИБ ОЛИШДА ҚИШЛОҚ АҲЛИГА МАДАДКОР БЎЛАЙЛИК

Долзарб мавзуда мусоҳаба

Ўзбекистон Ёзининг сабабот ва медаларга бунчалар тўқини ва сочин бўлганлигини анчадан бери эсломаймиз. Бинобарин бундай неъматлар олма ва қовуларини, тарвуз ва шафтолиларини, анжир ва ўрикларни истаганча йиғиштириб олиб ана уни қишга ҳам етарлича тамаккаш бўлади. Ҳадемай, сўриларда фарқ пайшиб етганга уларнинг омиани равишда йиғиштириб олиш бошланади.

Бироқ, ҳосилини бундай тарзда мул-қул бўлиши ўзинга хос қийинчилик ва ташвиш ҳам тугдирасди, шу боисдан уни нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш тадоринини кўриш керак. Ана шу муносабат билан «Тошкент оқшомини» мухбир Тошкент вилоят Совети ижроия комитетининг раиси С. Д. САЙДАЛИЕВ билан учрашиб, ундан бир неча саволларга жавоб қайтаришни илтимос қилди.

## Кишиларнинг онглилигига ишонамиз

— Сайфулла Давирович, шаҳарликлар қишлоқ аҳлига ҳосили йиғиштириб олишда ёрдам беришяптими? — Ҳа, албатта ёрдам беришяпти, лекин оқиқасига айтганда уларнинг кўрсатяётган ёрдами анча бўш. Ана шу боисдан пойтахт вилоятининг хўжалиқларида шундай бир масала, яъни шаҳар меҳнаткашларининг пойтахт вилоятига дала ва боллариданги меҳнатига махсулот билан ҳақ тўлаш масаласи деярли ҳал этилди. Бугунги кунда Оржоникид-

зе райондаги «Қибрай» совхозига, Галяба райондаги «Огонёк» совхозига, Янгийўл райондаги Усмон Юсуфов номидаги комбинатда ва бошқа бир қатор шу каби икки-тисолашчирилган хўжалиқларда айниқса мураккаб ва қийин вазият юзага келди. Бу ерда шаҳарликларнинг қўллаб-қувватлиши ва ёрдами муҳтомоқ сезилмоқда. — Шаҳарликларнинг меҳнатига махсулот билан ҳақ тўлаш қандай йўсинда бўлади? — Ердамга чиққан кишилар йиғиштириб олган сабабот ва медаларнинг 35 фоизига булган қисминини ўзлари билан уйларига олиб кетишлари мумкин. Бинобарин, хўжалиқларда шаҳарликларнинг ҳосили йиғиштириб олиш эътишини хар бир қўриқчишга табақалаштирилган ҳолда ёндошладилар. Бир хўжалиқда ҳақ тўлаш 25 фоизни, бошқа хўжалиқда 30 фоизни, учинчи хўжалиқда 35 фоизни ташкил этиши мумкин. Бу тар-

тиб шу йўсинда ана давом этиши мумкин. — Сайфулла Давирович, тошкентликларнинг ҳосилини йиғиштириб олиш учун дала-ларга уюшмаган ҳолда чиқиб рўй бермасяптими? Ахир бундан қўриқчилар зарар катта бўлади-ку? — Бу гапнигиз жуда ҳам тўғри. Шу боисдан биз одамларнинг ушшоқлигига ва уларнинг онглилигига ишонамиз ва унга умид бағишляймиз. Бу масалада маҳаллий Советларнинг ижро-

ия комитетлари корхоналарнинг қасаба уюшма комитетлари пойтахт вилояти хўжалиқларида тўғридан-тўғри шартнома асосида ишлаб бизга бу борада катта мадад беришлари мумкин. Бу ўринда мен бизга иқтисодий жиҳатдан муносабатда бўлишлари катта аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. — Энг сўнгги савол. Россия Федерациясида ҳосилини йиғиштириб олиш билан боғлиқ давқулдода ҳолат эълон қилинбди... — Саволингиз тўшунарли. Ўйлашганим, биринчидан, бизда давқулдода ҳолат эълон қилишга зарурат йўқ. Иккинчидан, биздаги хар хил давқулдода ҳолатлар шундоқ ҳам етди. Учинчидан, бунинг ана бир бор қайтараман, биз фуқароларимизнинг онглилигига ишонамиз. Уларнинг бизга ёрдам беришларига ишонамиз.

Долзарб мавзудаги суҳбатни А. БҲРИЕВ олиб борди.

## Истиқболли усул

ЕЗНИНГ айни тўқин-сочин кунларига ҳамшаҳарларимиз дастурхонини янада тақвонича етиш ниятида юртан саховатли кишилар оз эмас. Улардаги фидойилик, олийҳимматлик туйғули бозорларда мева ва сабабот дўноқларида ноз-неъматлар савдоси тобора кизи-моқда. Бу ишларда Янгийўл райониданги кўпгина хўжалиқларнинг ҳам хизматлари катта бўлмоқда. Айниқса, райондаги «Ленинизм» колхози меҳнаткашлари, сабаботкор борбонлари етиштириб бераётган сархил мева ва сабаботлар унга бўлган эҳтиёминини кўпроқ ва тўлароқ қондиришимизга ёрдам бераляпти.


Хўжалик билан Тошкентдаги қатор ташкилотлар ўртасида шу йилнинг май ойида ишлаб чиқилган шартномада жумҳуриятимиз пойтахти аҳолисига сифатли мева ва сабабот махсулотлари етказиб

бериш кўзда тутилган эди. Хўжалик сабаботкорлари, борбонлари ўтган давр ичиде ишининг амалий натижасига кўпроқ аҳамият бердилар. Шартнома шартларининг пухта бажарилишини таъминлашга астойдил ҳаракат қилдилар. Турри, ҳали йиллик режани удалла-нишга матълум вақт бор. Аммо хўжалик экин майдонларида экинларнинг мул-қўлиги кўзга ташланади. Улар ҳосили нобуд қилмай вақтида йиғиштириб олиш учун ишни бўшаштирмай олиб боришяпти. Хар кунни юк ортилган машиналар хўжалик даладаридан шахримиз сари йўл олмақда.

— Сергели, Фрунзе районлари мева ва сабабот дўноқларида сотилаётган махсулотларнинг матълум қисми хўжалигимизда етиштирилган, — дейди «Ленинизм» колхозини иқтисодчиси Абдурашид

— Шуниси қувончлики, бу йилги ноз-неъматларнинг таннархи ўтган йилдагига қараганда анча арзонга тушмоқда. Ўтган йили картошканинг таннархи бир килограмми ҳисобига 60-70 тўйинга тўғри келган эди. Бу йил эса 30 тўйини ташкил этиди. Бундай ҳолат бошқа мева ва сабабот махсулотларида ҳам кўзга ташланади. Хўжалигимиз деҳқонлари етиштираётган ноз-неъматлар кўпчилиги манзур бўляпти. Биз йил охирига қадар шартнома бўйича тошкентликларга ана 300 тонна картошка, 300 тонна пивё, 100 тонна помидор етказиб берамиз. Қолган махсулотларнинг таъминоти ҳам ўз вақтида амалга оширилади.


С. НОРҚҲАЕВ, «Тошкент оқшомини» жамоатчи мухбири.



Тошкент райондаги Гагарин номидаги узумчилик-боғдорчилик совхозини боғларида.



Х. Мирзақаримов суратлари.



ХИЗМАТИ ЭЛГА МАНЗУР. Боқи Қосимов 35 йилдан бери 12-трестнинг 49-қурилиш бошқармасида бунёдкорлик касбини улуғлаб келляпти. У Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи.

Т. Каримов сурати.

### ШАҲОН ҚИЛИД

СТОКГОЛЬМ. Швеция Олий суди аэропорт самолётини олиб қочган Михаил Мокреповини Совет Иттифоқига топшириш мумкинлигини ёки мумкин эмаслигини ҳусусида яқин кунларда ҳукуматга ўз ҳулосасини топширади. Сешанба кунин Олий суд шу масалани кўриб чиққан эди.

ДЕҲЛИ. Беш киши ҳалок бўлди, ярадор бўлган 25 киши касалхонага келтирилди. Ҳиндистон пойтахтида кўчи бомба портлашининг натижаси ана шундай бўлди.

ПТИ ахборот агентлигининг хабарларига қараганда, портловчи қурилма Деҳли шимолий районидан бирида Ҳинд эҳромни яқинига ўрнатилган экан.

Оқ уйнинг матбуот котиби Марлин Фишутернинг қабар беришича, душман кулларнинг АҚШ ҳарбий денгиз қучларининг кемалари БМТнинг жамоачилари иқтисодий қарорига мувофиқ ҳаракат қилиб, Форс кўрғазини орқали Ироқ учун юк келтириш ва олиб чиқиб кетишни бугунга қадар тўсиб қўйдилар. М. Фишутер «ҳарбий денгиз флотинаси» ифодасидан қочиб (чунки бундай дейиш бенавоқар қаратилган мамлакат билан уруш ҳолатини назарда тутайди), «тақриқ аюйб» натижалар бермоқда, деди. М. Фишутер АҚШ Президенти дам олиш учун жўнаб кетган Мэн штатининг Кеннебанкпорт шаҳрида брифинг ўтказиб, АҚШ ҳарбий денгиз қучларига тақийни бузган кемаларга қарата ўт очиб тўғрисида бўйруқ берилганини деган саволга жавоб беришдан бош тортиди. «Биз оператив жиҳатларни ва кемаларга берилган бўйруқларни шарҳ-ламаймиз», — деб таъкидлади М. Фишутер. Бироқ Оқ уйдаги матбуот бўлимининг бошқа вакили бундай деди: «Агар зарурат туғилса, биз куч ишлатамиз».

Форс кўрғазиндаги инглиз кемалари Ироқ учун юк ташинида шубҳа қилинган савдо кемаларини тўхтатиш ва тинитув қилиш ҳақида бўйруқ олганлар. Пресс ассоциациясини ахборот агентлигининг далолат беришича, ҳозир кўрғазда Англия ҳарбий денгиз қучларининг тўртта кемаси турибди.

Буюк Британиянинг Ироқни денгиздан қамал қилишни билдирувчи бу қарорига бироз қанчалик мамлакатлар эътибор билдирди, деб хабар берди Би-Би-Син ва АИ-Ти-Эн телекомпаниялари.

АҚШ президенти Ж. Буш Мэн штатининг Кеннебанкпорт шаҳридаги ўз мулкида дам олишни тўхтатиб, ишонилик бюджет ва иқтисодий ишлар билан шўғулланиш. Пентагоннинг Форс кўрғазиндаги ҳарбий операциялар тўғрисидаги ахбороти билан танишини учун икки кунга Вашингтонга келди. Шу кунин мухбирлар билан учрашувда Буш Форс кўрғазиндаги танглики дипломатия воситалари билан тезда ҳал этилишига умид қила олмаётганлигини айтди.

(ТАСС).

### ШАҲОН ҚИЛИД

тон ССР Ташки ишлар министри С. О. Азимов ичти сўзладилар. Ҳиндистон мустакиллиги кунин шарофига Тошкентда, Бухоро ва Самарқандда китоб-рассм кўргазмалари очилди, меҳнат жамоаларида Ҳиндистон билан хар томонлама алоқиларини кўллаб-қувватловчи йиғилишлар бўлиб ўтди. Ҳиндистон мусиқаси концертлари намойиш этилди.

(ЎзТАГ).

## ҚАРИЯЛАР МАМНУН

Жумҳуриятимиз пойтахтида яшовчи Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранларининг оғирини енгил қиладиган 61 та махсус магазин ишлаб турибди. Қуни кеча янги ташкил этилган Бектемир районда иловчи кескалар ҳам озиқ-овқат ва санаот моллари билан савдо қилувчи ўз магазинларига эга бўдилар. «Ветеран» деб номланган бу магазин юз квадрат метр майдонда қад кўтарди, замонавий асбоб-анжомлар

билан жиҳозланди. — дейди шаҳар савдо бошқармаси бўлимининг мудири М. И. Богданова. — Бу ерда ишлаб-ётган хар бир сотувчи ёши улуг харидорларга хизмат кўрсатишга таянган яхши билишди. Магазинда кескалар учун барча қулайликлар яратилган: буюртма қабул қилиш ва уни уларга элтиб бериш йўлга қўйилган.

(ЎзТАГ).

## БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

Ҳиндистон жумҳурияти тараққиётининг барча босқичларида Совет Иттифоқи ўзининг анжир-равшан ҳаракатлари билан унинг ишончли дўсти бўлиб келганлигини, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишини тасдиқлади. Ҳиндистон мустакиллигининг 43 йиллигига ва СССР билан ана шу дўст мамлакат ўртасида тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик

тўғрисида шартнома имзоланганлигининг 19 йиллигига бағишланиб Тошкентда бўлиб ўтган тантанали йиғилишда шу ҳақда гапирилди. Ийгилишда Совет—Ҳиндистон муносабатлари регионда тинчликни мустаҳкамлашга кўмаклашяётгани, ижтимоий тузуми турличе бўлган давлатлар билан яхши қўшничлик ва ҳамкорликнинг ёрқин намунаси эканлиги таъкидланди. Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасида иқтисодий ва соғлиқни сақлашдаги, халқ маорифи ва маданиятдаги муваффақиятли ривожланяётган икки томонла ме муносабатлар бунинг яққол далилидир. Тантанали йиғилишда Ҳиндистон жумҳуриятининг Тошкентдаги Бош консули Ашон Кумар Мукержи ва Ўзбеки-

Меҳнат жамоаларида

Юксалишини равон йўли

ХУШХАВАР ҲАМ, нохуш хабарлар ҳам ҳайдовчилар орасида...

Бу бизни 7-автосарой ҳузурига етказди. Автобус саройига кириб, аввалига бироз гангив қолдик...


тадбирларимизни мана ўзингиз кўриб турибсиз. Бу масалада биога қўшни маънабини тил ва адабиёт ўқитувчилари яқиндан ёрдам берди...

Дарҳақиқат, сўнги пайларда 7-автобус саройида амалга оширилаётган ишлар ҳамин кескин қўлайди. Жумладан, ҳайдовчиларга яхши шaroит яратиб бериш мақсадида бу ерда янги чойхона ва ҳаммом (сауна) қуриляпти...


Маълумки, 1,5 ой муқаддам Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарлари Олмаотуда учрашиб, шу минтақада ҳамкорлигини тубдан яхшилаш юзасидан ўзаро келишим олинган...

Хуллас, мазкур корхона жамоаси аъзолари ҳозир иқтисодий юксалишнинг равон йўлига тушиб олишди.

Б. БЕКМЕТОВ.



ҚАВАТЛАР КУККА БУИ ЧУЗГАНДА... 3-уйсозлик комбинатининг Урмон Зокиров етакчилиги қилаётган бригадаси шу қўнларда Юнусобод даҳасининг 13-мавзесида янги, тўққиз қаватли тузар жой



Биносини муддатидан илгари фойдаланишга топшириш ниятида иш-ламоқда; илғор монтажчи Дмитрий Сапркин.

Т. Қаримов суратлари.

ПАРДОЗ КОШИҢЛАРИ

ТОШКЕНТ қурилиш материаллари тажриба ишлаб чиқариш бirlashмасида янги биноларнинг ташқи томонлари учун махсус пардоз плиталарининг йаънама кўрсаткичи тайёрланди.

Тарихида шиша, қум, кристалл ва бошқа бир қанча материаллар мажмуасидан тайёрланган бу пардоз плиталари бардошлидир.

Ҳамаю 9 минг 340 квадрат метр ана шундай плиталар тайёрланди. Корхонанинг бу маҳсулотлари пойтахт саноат ва тузар жой биноларини беэайди. Д. ОБЛАЕВ.

Хориждан хабарлар

БМТ. БМТ Хавфсизлик Кенгаши автосаройнинг асосий қўнчилигини Қўшма Штатларнинг Форс кўрфазини раёонидаги ҳаракатларга боғийлик билан қарамонда...

ГАВАНА. Доминикана жумҳуриятида 48 соатлик ялпи иш ташлаш ўтмоқда. Бу иш ташлашни Қариб денгиз ҳавзасидаги шу давлатнинг энг йирик касабая уюшмаси иқтисодий ҳукуматнинг иқтисодий қораларига қарши норозилик белгиси остида ўтказмоқда.

Утган ҳафтанинг охирида Хоакин Балагер бюджет қамоматини ва пулнинг қарсизлангани даражасини қаннинг майитришига қаратилган янги иқтисодий қораларни эълон қилди. Бу қоралар орасида асосий истеъмол моллари нархларини ошириш ва шундан кейинги уч ой муддатда бир хил сақлаб туриш тадбири ҳам бор.

ВАШИНГТОН. АҚШ харбий-денгиз кучларининг кемалари БМТнинг Бағдод қарши иқтисодий жаза қораларни тўғрисидаги қарорига мувофиқ ҳаракат қилиб, душанба кўнига келганда Ироқ учун Форс кўрфазини орқали юк олиб кириш тўхтаб қўйди...

Хукумат қораларини фақат савдо-саноат доиралари ва айрим касабая уюшмалари қўллаб-қувватлади. Холос, Асосий касабая уюшмаларининг бирлашмалари олпозизици икки асосий партиядан — Доминикана озодлик партиядан ва Доминикана иқтидорнинг мадади билан қонимият қарорларини бекор қилишни талаб қилдилар.

ПЕКИН. Тайвань вилоятини сохборкорлари Хитой территориясидаги шеринлар билан ҳамкорлигини қуцайтирдилар, деб умид қиламиз, деди ХХР Давлат Кенгашининг аъзоси Цяоу Цяухуа...

Оқ уй АҚШ Президенти Жорж Буш Қўшма Штатлардаги совет тижорат ваколатхоналаридаги ҳодимлар сонини шу вақтгача амал қилиб келган чеклашни бекор қилганлиги муносабати билан унинг баёнотиин тарқатди.

БМТ. Душанба кўни БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлиси ўтказди, унда Лихтенштейн Князликнинг БМТга қўшилиш тўғрисидаги илтимоси кўриб чиқилди. Хавфсизлик Кенгаши янги аъзоларни қабул қилиш қомитети бу масалани батафсил муҳокама қилиш, тегишли тавсияларни тақдим этишни топширди.

МАНАГУА. Чехо-Словакия Президенти Вацлав Гавел душанба кўни расмий ташриф билан Никарагуага келди. Манягуа халқаро аэропортида уни жумҳурият Президенти Виолета Барриос Де Чаморро кўтиб олди.

Ушбу рейд материаллини бугун совт 17.00 да шаҳар радио тармоғи орқали «Тошкент ва тошкентликлар» радиoproграммасида тинглашигиз мумкин.

ФАТТОХОВ, Ўзбекистон радиосининг Тошкент шаҳри ва вилоти учун эшиттиришлар Бош муҳарририяти шарҳловчиси.

ГАРБИЙ БЕРЛИН. Шаҳарнинг 11 турар жой биноси томида ўрнатилган сатҳи 180 квадрат метрга тенг қуёш батареялари ана шу йиларни электр қувват ва иссиқ сув билан таъминлай бошлади.

Қиш тайёргарликни ёқтиради

Хотир жамлик тўнига ўралганлар

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» РЎЗНОМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РАДИОСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ВИЛОЯТИ УЧУН ЭШИТТИРИШЛАР БОШ МУҲАРРИРИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДАГИ РЕЙДИ

Эзинг ганимат қуварни тез ўтиб бормоқда. Ҳадемай, ўлкамиз узра олтин кўз қанот ёйди. Бундай дамда кимдир қўнвонига қўнвонч қўшилади...

ҲОЗИР истаган жойингизга боринг, истаган, одамнинг бидан гаплашинг, уларнинг кўнчилиги ўз турар жойларининг шароити ёмонлигидан ҳасрат қилишга...

Носоликлар фақатгина жўрректарда эмас. Ерўтлада ердий, сўни оқиб ётган, емирилиб кетган айрим нувурларни алмаштириш, вентилларни янгилаш керак.

Биз унинг чиқиб жойларидан биронта ойнаси синамаган, эшитишдан чиммаган жойини учратмадик. Ерўтларга тўшаверинидаги эшиклар эса аллақачон нэсна гоийб бўлган экан.

Ҳушнинг учун ҳам қиш келиди, совуқ қунарлар бошлади дегунча хонадон сохбори оромини йўнотди. Иситиш ускуналариинг кийида яхши исимаслигиндан фақат Абдурахим ақанинггина кўнгли тўлмайдди...

Унингизда юзага келган нохуш вазиат ҳаммининг кайфиятига ёмон таъсир этмоқда, — деди 38-хонадон сохбаси Шукрония Нагаева.

Агар иш шу аҳволда नेताдиган бўлса ёнимиздан маблағ сарфлаб иситиш ускуналарини ўзимиз таъмирлаб, ўзимиз созлаб оламиз, — дейишди.

Аслида эса бу ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайдди. Кузги-қишги мавсумга тайёргарликни ҳар томонлама пухта бўлгани яхши. Аммо бу

борада энди ҳаракат бошланаётган вақтда пухта тайёргарлик ҳақида қандайдий таъбир мумкин?

Октябрь раёониданги 1-турар жойлардан фойдаланиш бошқармасининг ҳисобата 104 та уй бор. Шунинг 13 таси бу йил қайта таъмирланиши керак.

Бошқармада шу йилнинг ўзида учта бошлик ўзгарди. Энди ҳулоаса чиқариб олаверинг...

Қузн-қишги мавсум таъмиришларидан Қўнбишев раёониданги Цялковский кўчасининг 387-уйида яшовчи оналар ҳам оромини йўноттиган.

Ушбу рейд материаллини бугун совт 17.00 да шаҳар радио тармоғи орқали «Тошкент ва тошкентликлар» радиoproграммасида тинглашигиз мумкин.

ФАТТОХОВ, Ўзбекистон радиосининг Тошкент шаҳри ва вилоти учун эшиттиришлар Бош муҳарририяти шарҳловчиси.

ГАРБИЙ БЕРЛИН. Шаҳарнинг 11 турар жой биноси томида ўрнатилган сатҳи 180 квадрат метрга тенг қуёш батареялари ана шу йиларни электр қувват ва иссиқ сув билан таъминлай бошлади.

МАНАГУА. Чехо-Словакия Президенти Вацлав Гавел душанба кўни расмий ташриф билан Никарагуага келди.



НОХУШ МАНЗАРАЛАР: СУРАТЛАРДА: 5-уйдаги камчилардан айрим лавҳаларини кўриб турибсиз.



сув шахримидаги юзлаб уйларида учрайди. Х. Мирзакаримов суратлари.



сув шахримидаги юзлаб уйларида учрайди. Х. Мирзакаримов суратлари.



сув шахримидаги юзлаб уйларида учрайди. Х. Мирзакаримов суратлари.

# ОДОБОНОМА

Маънавий қадриятларимиз

## Биз кутган кексалик

ЧОЛ ёлғиз йшарди. Ёлғизлик — азоб, ёлғизлик — нопоқлик. Дард берган худо чндам ҳам беради дейишади. Чол кун бўйи хонасидан чиқмас, рутубатли куз билан қиш-у жазирама ёз ҳам унга барибир эди. Димниқан хонасининг ойна-ю эшиклари очилмасди. Соғлиги бироз яхшилангандак бўлса, у айвонга чиқиб бир бурчакдаги шанилдоқ стулга келиб ўтирар, айниқса, қўқлам пайтлари пастдаги энди яшилланаётган дов-дарактлардан кўз узмасди. Ким билди шундай пайтларда у нималарни ўйлайди? Ўзи у ўйларинан? Чунки бунинг учун ҳам таассуротлар анчайин янги бўлиши керак. Чол эса ҳеч ким билан гаплашмас, фақат тўрт девор-у бир хил манзарани кўрса. Бундай ҳолда одам мияси сийқа фикр гилдираги бўйлаб юмалайверади.

Ҳоҳида эшик тақиллаб қолади. Бу кечки пайт бўлади. Чол билдики, қайси бир қўшни савоб бўлар деб оғват олиб чиқаяпти. Минг азоб билан ўрнидан турди, йўтала-йўтала йўлакка келади. Ким тақиллатганини ҳам сўрамайди. Қўшни бўраб, эшики очди. Қўшни бола салом бериб қосани стол устига қўйиб ичмамай чиқиб кетади.

Ажаби, чолга оғватланши роҳат ўрнига азоб, Оғзидаги тишлари аллақачон тушиб кетган, у чакаги бу чаначига тегиб тургандек.

Кунлар шу тариқа ўтиб бораверади. Бундай ҳолда одам нима кутади? Умрининг қачон поёнига етишини да.

Ез кунларининг бирида қосада оғват кўтариб чиққан қўшни бола унинг эшигини узоқ тақиллади. Жимиктилик. Қўшни-қўшнилар, милиция уюстка вақили ноилжоз эшикни бузиб ичкарига киришди. Чол аллақачон оламдан ўтгай экан...

— Оқибат йўқолиб кетаяпти, — деди кимдир бош чайқаб, — чол бечоранинг бетоблигини била тўриб ҳолидан хабар олиб турхиса бўларди-ку. Қўшнилар миқ эттишмасди, гўёки меҳр-оқибат уларга нотаниш туйғудек. Худди шундай бўлиши керакдек.

— Таваба, — дейишди эшитганлар, — наҳотки меҳр-оқибат шунчалки кўтарилган бўлса? Наҳотки бир йўлакдаги қўшни-қўшни ҳам ҳол-аҳвол сўрашга арзирмасас?

Маросимга жуда оз одам тўпланди. Ўғил эса келмади. Чоли ҳали чиқариб улгурмай кимдир унинг хонадонига даъволлик қилди. Буни эшитганлар баттар ёқа ушлашди: «Ана оқибат! Қайсига қараб кетаямиш ўзи?»

...У биринчи марта қачон бўза ичганини эслаб олмайди. Ҳар ҳолда мўйлаб энди сабаза ураётган эди шекилли. Э, буни ўғил бола ичмади-да, дейишганди уфатлари, «Ўғил бола» бўлиш аввалига осон бўлмади. Уч-тўрт ўтиришдан кейингина кайф нималигини ҳис эта бошлади ва бора-бора шундай ҳаётини тасаввур этолмай қолди. Хотинининг, маҳалла-қўшнинг панд-насиҳатлари — ҳаммаси унинг рашига тегарди, холос. Ўғли ҳарбий хизматга кетганича ўша ерда ўйланиб қолди. Хотини ҳам оламдан ўтди. Энди у эллика кирибқа роставан чол бўлиб қолганди...

Биз кейинги пайтларда меҳр-оқибат тўғрисида кўп гапирадиган бўлиб қолдик. Яшириб-чима-қилмас: бунда жамиятни ҳам сабабчи қилиб кўрсатамиз: «Ҳама нараса қимматлашиб кетган, маош ҳам, одамлар бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашга вақтларини қизганадилар, ҳамма пул топишга тушиб кетган...»

Тирқиқчилик ташвишлари ҳаммамизнинг азиз умримизни совуриб бормоқда. Ҳаёт деган тушунчани фақат еб-ичиш деб ўйлаш тобора кўпроқ одамларнинг қонига синиб бормоқда. Ачинарлики, худди шу тушунча асрлар бўйи шаклланган энг яхши удуларимизга путур етказмоқда, қандай бўлмасин кўпроқ пул топиш, машина сотиб олиш, чет эл вилеоманитотобларига эга бўлиш, қисқаса бошқалардан қолмасликка ҳаракат қилиш кунаймоқда. Ҳалол меҳнат қилиб, фақат маош ҳисобига намунаро яшаётганлар баъзилар учун лавозур, иш билмас одамлардир. Уларни оёқ учидан кўрсатишга бориб етмоқдалар. Ана шундай пайтларда кадр-қимматни бойлиқдан юқори қўяди, эл иши учун беъмнат хизмат қилаётганларни кўриб, гўё йўқолиб қавҳарини топаддек бўласан киши.

Раҳим акани кўрганда шундай аҳволга тушдим. У билан бир районда узоқ вақт бирга ишладик. У райжирокомда, матбуот жамаияти бошқарувинда меҳнат қилди. Улуг Ватан урушидан ирадор бўлиб қайтган. Тўғрисиқизини учун ҳаммага ҳам ёқармасди. Ўша пайтларда гоҳ пахтага чиққан ҳашарчиларга раҳбарлик қилар, гоҳ саб-забот териниға одам олиб борарди. «Сизга нима зарил, бошқалар бор-ку бунақа ишларга дейишса, «Э, ахир менга ишонинишди-да, бўлмаса топширишармиди!» дерди. Бригадир билан ҳақ учун бахшланган ҳам, ҳашарчиларнинг қўнглини қараб муомала қилган ҳам шу Раҳим ака эди.

Раҳим ака болалари бахтини ҳам ўйларди. Эҳтимол, шунинг учун пенсияга чиқиб ҳам ишлаверарди. Кейинги пайтларда бироз толиққа шекилли, ишлар бўшади. Лекин мен унинг район учун шунча йил ишладим, деб бирор камёб нараса талаб қилганини эшитмагандим. Камтариниға чиқдан бўшаб кетди.

Ҳозир софидил одамнинг ўзи қолмапти, дейиш барчага бир хил бўёқ суртиш билан баробар. Афсуски, айримлар шундай дейишни одат тусига киритишмоқда. Аслида бундай эмаслигини, ҳали атрофимизда бутунлар кўнглиги бизда келажакка умид уйғотади.

Қадриятларимизга бепасанд қараш, шавқатли оталаримизнинг жасоратларини менсимаслик айримларда тобора кучли сезилмаётган кишини ўйлантиради. Ахир ота-боболаримиз беҳуда курашганлари, беҳуда қон тўқанлари йўқ. Гарчи босиб ўтган йўлимизда хатоликларга, камчиликларга йўл қўйилган бўлса ҳам биз ана шу даврда бахтининг, тинч ҳаётнинг қадрига етишни, дўстлик, инқиликнинг нақадар зарурлигини тушуниб етдик. Бу йўлдаги курашда авлодларимизнинг озмулча меҳнатлари сингдими?

Биз кутаётган кексаликка эришиш осон эмас. Бунинг учун эл манфаати йўлида жон қуйдириш, керак бўлса ҳузур-халоватдан воз кечиш лозим. Ана шундагина ҳаммамизнинг ҳурмат-этиборига сазовор бўлиш, ҳа, биз ҳалол, виждонан яшадик, дея олишимиз мумкин.

Бир аср яшаб қўйган отадан «Шунча йил ҳаёт кечириб, нима кўрдиниз?» деб сўрашибди. «Ҳеч нараса, — дебди у, — мана фақат сизни кўриб туришман, холос».

Бу жавобда икки маъно мужассам. Биринчиси шунки, умр тез оқар дарё. Ўтдим, қайтмайди. Иккинчиси маъно эса киши яшар экан, аввало эзгу ишлари билан из қолдира-са. Ўстирган фарзанди, қурган иморати, жуда бўлмас экан даракти ана шу ўчмас излардир.

Абдусаттор ХАТАМОВ.



МЕХНАТ ҚИЛГАН ЭЛДА АЗИЗ. Киров районидagi 1-болалар санаторийсининг кичик ҳамшираси Убайда она Турғуновани жамоада каттадан-кичик бирдек ҳурмат қилади. Сақиз фарзанди тарбиялаб вояга етказган бу онахонин яқинда нафақага кузатиш маросими ўтказилди. Санаторий бош шифокори Нисом Йўлдошев Фаҳрий ёрлик ва эсдаликлар топшириб, жамоа номидан Убайда онага соғлиқ ва саломатлик тиллади.

Т. Каримов сурати.

«ТОШКЕНТ оқшоми» рўномасининг «Одобнома» рукунида чоп этилаётган мақоалар фақат ёшларга эмас, биз кексаларга ҳам маъқул бўлмоқда. Жумладан шу йил 2 августда «От етаклаган Отабек тимсоли» мақоласида марҳумларнинг эслаш, қабристонларини оёқ қилиш, ота-оналаримизнинг руҳларини шод этиш учун уларни тавоф қилиш ҳақида сўз юритилганки, бу юқоридеги удуларимизни тиклаш йўлида қўйилган кетма-кетлар.

Мақола муаллифларининг фикрларига тўла қўшилган ҳолда, ўзимнинг ҳам баъзи мулоҳазаларимни изҳор этмоқчиман.

Қабристонларнинг олдида от етаклаб кетаётган Отабек тимсолидаги суратлар ўрин олса яхши бўларди. Бу суратга кўзи тушган ёшларимизнинг қабристонда ётган ота-боболаримизнинг руҳини, иззат қилишлари учун ибрат бўларди. Қолаверса, қабристон ёнидан ўтаётган от-арвалар, машиналар бироз секинроқ юрсалар мақсадага мувофиқ бўларди.

Шу ўрнида бир қадимий ривоятни келтириб ўтишни лозим топдим.

«Табиб ёнига бир бемор келиб, юраги сиқилётгани ва асаби бузилётганидан шикоят қилибди.

Табиб унга шундай дебди:

— Юрегин сиқилганида қабристонга бориб ота-онанинг қабрини эиэрат қил, шу ерда ётганлар ҳам менга ўхшаган инсонлар эди-ку, шукроналар бўлсинки, ризқ-насибамни теириб юрибман, деб ўйласанг, касалинг тувалади.

Бемор табибнинг айтганини қилиб дەرвларидан фориғ бўлган экан.

Бу боболаримиздан қолган ривоят, Аммо унинг тағдида чур ҳаётий фалсафа ётибди. Яъни, қабристонни эиэрат қилган киши ўлимни ўйлаб, турли



● Доно кексаларимиз топганинг доимо тўйга бузурин, эл олдиға тўкин дастурхонлар ёзин деб истак билдиришади. Шу кунларда ўлка-мизда, жонажон шаҳримизда — Тошкенда тўйлар авжида. Бу тўйларда ҳар бир киши баҳоли қудрат хизмат кўрсатишга ниятлади. Ушбу суратлардаги лавҳалар ҳам бунинг нотоблаб турибди: тўйдаги сурнай навоиси дилларга заъқ бағишлайди. Со-бир Раҳимов районидagi Ба-ҳодир маҳалла аҳли ошпаз Абдумалик ота Абдурахмонов дамларига ошларни мақтаб гапиряишди. Ҳа, тўйда нима етсин, тўйда хизмат қилишға нима етсин!

Р. Альбеков суратлари.

### Донолар бисотидан

● Емонлик қилган кишидан ўч олиш қўлдан келса ҳам, унинг қилган ёмонлигини кечиринг эзгу худқларнинг кўркамроғидир.

● Бировдан ҳаё, уят кетса, ҳаё ўрнини бало олади.

● Ҳеч бир сабабсиз кулиш — подойлик аломатидир.

● Тўрт нараса тўрт нарасага муҳтож, яъни улуглик — адабга, шодлик — хотир-жамликка, яқинлик — муҳаббатга ва ақл — таърибага муҳтождир.

● Бир донишманд ўз ўлиғиға насиҳат қилиб айтди: Икки нарсани мендан ол, сенга керак бўлади: биринчиси, нимаи сузламоқчи бўлсанг, ўйламасдан сузлама, иккинчиси, нима қилмоқчи бўлсанг, тadbирсиз қилма.

● Афлотун ҳақими айтди: — Агар душманнинг бирор иши тўғрисида сендан маслаҳат олмоқчи бўлиб ёниға келса, унга тўрт нараса маслаҳат бер, ёмон маслаҳат бериб ундан ўч олишни асло қўнглинға келтирма. Унинг севдан маслаҳат сўраб келиши сен билан ошно бўлишни истаганидир. Инсонга лойиқ бўлган хайрихоҳлик шудир.

Байт: Кимки бўлса, хуш чирою хуш қилиқ, Доимо кўргай жаҳонда яхшилик.

### Закрилла ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлаган.

ди. Шунда кишидир у одамга қарата: — Аттатг, қабристон олди-дан бундай аҳволда ўтиш яхши эмас. Ота-буваларимизнинг руҳини ранжитдингиз бўтам, — деди.

— Бундай бидъатларга ишонмайман, руҳ бу ерда нима қилади. Суяклар ётибди-ку, ўзи-ча нима-лери-дир гўнгилади у.

Эртеси кунини худди шу ернинг ўзида халиги одамнинг вафот этганининг шохиди бўлдим.

Шундан сўнг дадамлар бундай табаркук жойлар олди-дан белаю, безътибор ўтиш катта гуноҳ, дедилар. Ҳатто, отини ўйрағалиб кетаётган кишининг оти билан ағдарилганини ҳам гапириб бердилар.

Илгарилари кишилар қабристон ёнидан ўтганларда доимо марҳумлар руҳига фотиҳа ўқиганлар. Чунки бу ерға қадам ранжида қилган ҳар қандай одам марҳумларни эиэрат қилиб чиқиси билан руҳи енгиллашган, қалбидagi азобот, гина-қудуратлар унут бўлган, дилда раҳимдиллик, меҳр-шафқат уйғонган. Бунга сабаб, инсонлар умр қисқа эканлигини, охириги маъзиллари шу ерлигини эслашганидир.

Ҳозир ўғриллик, хунрезлик, фоҳишабозлик, талончилик авж олиб кетди. Мафия, рекети сузлари кишилар дилиға гулу солмоқда. Халқимиз кечаси уйкуда ҳам яхши ором олмайди. Булар қандай келиб чиқди, сабаби нима деган савол беизтеҳ тўғрилади.

Гал шунданки, биз маънавий қадриятларимизни унутдик. Бунинг натижасида ўз элини ва динини унутган манкуртлар кўпайиб кетди. Халқлар ўртасида биродарликнинг йўқлиги, миллатлараро низоларнинг сабаби ҳам шунда деб ўйлайман. Келинглар, ҳаммамиз унутилган урф-одатларимиз, аjoyиб удуларимизни тиклаш йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилайлик.

Бир кун дадамларни қақиргани чойхонаға кирганимда ногўноҳ, юқоридан бир маст киши ашула ётиб кела бошла-

ди. Шунда кишидир у одамга қарата: — Аттатг, қабристон олди-дан бундай аҳволда ўтиш яхши эмас. Ота-буваларимизнинг руҳини ранжитдингиз бўтам, — деди.

— Бундай бидъатларга ишонмайман, руҳ бу ерда нима қилади. Суяклар ётибди-ку, ўзи-ча нима-лери-дир гўнгилади у.

Эртеси кунини худди шу ернинг ўзида халиги одамнинг вафот этганининг шохиди бўлдим.

Шундан сўнг дадамлар бундай табаркук жойлар олди-дан белаю, безътибор ўтиш катта гуноҳ, дедилар. Ҳатто, отини ўйрағалиб кетаётган кишининг оти билан ағдарилганини ҳам гапириб бердилар.

Илгарилари кишилар қабристон ёнидан ўтганларда доимо марҳумлар руҳига фотиҳа ўқиганлар. Чунки бу ерға қадам ранжида қилган ҳар қандай одам марҳумларни эиэрат қилиб чиқиси билан руҳи енгиллашган, қалбидagi азобот, гина-қудуратлар унут бўлган, дилда раҳимдиллик, меҳр-шафқат уйғонган. Бунга сабаб, инсонлар умр қисқа эканлигини, охириги маъзиллари шу ерлигини эслашганидир.

Ҳозир ўғриллик, хунрезлик, фоҳишабозлик, талончилик авж олиб кетди. Мафия, рекети сузлари кишилар дилиға гулу солмоқда. Халқимиз кечаси уйкуда ҳам яхши ором олмайди. Булар қандай келиб чиқди, сабаби нима деган савол беизтеҳ тўғрилади.

Гал шунданки, биз маънавий қадриятларимизни унутдик. Бунинг натижасида ўз элини ва динини унутган манкуртлар кўпайиб кетди. Халқлар ўртасида биродарликнинг йўқлиги, миллатлараро низоларнинг сабаби ҳам шунда деб ўйлайман. Келинглар, ҳаммамиз унутилган урф-одатларимиз, аjoyиб удуларимизни тиклаш йўлида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилайлик.

Бир кун дадамларни қақиргани чойхонаға кирганимда ногўноҳ, юқоридан бир маст киши ашула ётиб кела бошла-

ди. Шунда кишидир у одамга қарата: — Аттатг, қабристон олди-дан бундай аҳволда ўтиш яхши эмас. Ота-буваларимизнинг руҳини ранжитдингиз бўтам, — деди.

— Бундай бидъатларга ишонмайман, руҳ бу ерда нима қилади. Суяклар ётибди-ку, ўзи-ча нима-лери-дир гўнгилади у.

Эртеси кунини худди шу ернинг ўзида халиги одамнинг вафот этганининг шохиди бўлдим.

Шундан сўнг дадамлар бундай табаркук жойлар олди-дан белаю, безътибор ўтиш катта гуноҳ, дедилар. Ҳатто, отини ўйрағалиб кетаётган кишининг оти билан ағдарилганини ҳам гапириб бердилар.

Илгарилари кишилар қабристон ёнидан ўтганларда доимо марҳумлар руҳига фотиҳа ўқиганлар. Чунки бу ерға қадам ранжида қилган ҳар қандай одам марҳумларни эиэрат қилиб чиқиси билан руҳи енгиллашган, қалбидagi азобот, гина-қудуратлар унут бўлган, дилда раҳимдиллик, меҳр-шафқат уйғонган. Бунга сабаб, инсонлар умр қисқа эканлигини, охириги маъзиллари шу ерлигини эслашганидир.

Ҳозир ўғриллик, хунрезлик, фоҳишабозлик, талончилик авж олиб кетди. Мафия, рекети сузлари кишилар дилиға гулу солмоқда. Халқимиз кечаси уйкуда ҳам яхши ором олмайди. Булар қандай келиб чиқди, сабаби нима деган савол беизтеҳ тўғрилади.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНААР

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЖАМГАРМАЛАР БАНКИНИНГ БУЛИМЛАРИДА САҚЛАНАЕТГАН АВТОБИЛЬ ЮТУҚЛИ ОМОНАТЛАР БУИЧА**

**2-ТИРАЖНИНГ РАСМИЙ ЖАДВАЛИ**

Тираж 1990 йил 8 август кунин Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 8 та «ВАЗ-21063» маркали автомобиллар ўйнади. Бир автомобилнинг баҳоси — 9 000 сўм.

Ютуқлар Тошкент шаҳридаги СССР Жамғармалар банки бўлимларида сақланаётган қуйидаги номли омонатларга чиқди:

Шахсий ҳисоблар номери	Жамғармалар банки бўлимларининг номери	Тошкент шаҳри Жамғармалар банки район бўлимлари
Ж-48	7963	Ҳамза район
Ж-60	3649	Киров район
Ж-69	14	Ленин район
Ж-74	8050	С. Раҳимов район
Ж-76	8050	С. Раҳимов район
Ж-90	7882	Чилонзор район
Ж-105	3628	Куйбешев район
Ж-159	3628	Куйбешев район

Ютуқни олиш учун аниқ мақсадли ҳисоб-китоб чечини шахсий ҳисобиниға турадиган жой бўйича Жамғармалар банкнинг бўлимларидан олиш мумкин.

Тираж комиссиясининг расиси — халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг расиси **А. К. ҚОСИМОВ.**

Тираж комиссиясининг расисининг ўринбосари — Тошкент шаҳар СССР Жамғармалар банки бошқармасининг бошлиғи **З. С. МУСАЕВ.**

Тираж комиссиясининг масъул котиби — СССР Жамғармалар банки Тошкент шаҳар бошқармаси жамғармалар ишнини ривожлантириш бўлимининг бошлиғи **Х. Б. ДОЛИМОВА.**

СССР Жамғармалар банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси.

## СССР ЖАМГАРМАЛАР БАНКИНИНГ ОМОНАТЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Омонатга қўнвчилар учун қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида СССР Жамғармалар банкнинг шаҳардаги муассасалари қуйидаги пул муомаласини амалга оширмоқдалар. Хизматининг ана шу турига мувофиқ, омонатчилар пулларини Жамғармалар банкнинг муайян райондаги қайси бир филиалига қўйган бўлишларидан қатъи назар омонат дастфаларига мувофиқ ана шу районнинг истаган филиалидан омонатларининг бир қисмини олишлари мумкин.

СССР Жамғармалар банкнинг Тошкент шаҳар бошқармаси.

## КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ

Янги ёки хизмат қилган, аммо яхши ҳолатда бўлган «ГАЗ-53» автомашинасининг қузвини\* сотиб олади.

Телефонлар — 76-86-60, 76-96-66.

## КИНОФИЛЬМЛАРНИ ИЖАРАГА БЕРИШ ТОШКЕНТ ШАҲАР ИДОРАСИ

«ЗЕНИТ-7» фирмалли ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ

(Чехов кўчаси, 10, метронинг «Ойбеи» станцияси) ВА УНИНГ ФИЛИАЛИ (Халқлар дўстлиғи кўчаси, 8, метронинг «Комсомол» станцияси)

## ТАКЛИФЛАР ҚИЛАДИЛАР

Суратга олишни ўрганётган ҳаваскорларга — ишлитки жуда осон ва муомала қилиш қулай бўлган «СМЕНА», «ЛЮБИТЕЛЬ-166» ва «ЛЮБИТЕЛЬ-166 В» суратга олиш аппаратларини.

«СМЕНА» — кичик ҳажмли, шкалели суратга олиш аппарати. Унинг объективи суратга олиш масофаси еки масофа рамазлари шкелалари бўйича фокусланди. Икчамлиги билан ажрвалик туради. Баҳоси — 15 сўм.

«ЛЮБИТЕЛЬ-166» ва «ЛЮБИТЕЛЬ-166 В» — кўзгули суратга олиш аппаратлари оиласига мансуб. Кўзгули аппаратларнинг афзалиги шунданки, махсус тасвир кидриғи суратга олинатган кадр чегараларини аниқ назорат қилиш имконини беради. Тасвир кидриғининг хиракор ойнасида ҳажмиға кўра суратга олгандан сўнг фотопленкада ҳосил бўладиган тасвир билан тенг тасвир кўриниш туради. Экспозиция ўлчамлари тегишли шкалар бўйича қўлда ўрнатилади. 6 сантиметрли пленкаға мўлжалланган. Баҳоси 27 ва 26 сўм.

Ранглик суратга олиш билан шугуланувчилар учун — қуйидаги фотопленкаларни:

— ОРИОКОЛОМ УТ 21 — айланторма, рангли слайдлар учун — 3 сўм 50 тийиндан;

— ОРБОКОЛОМ НЦ 21 — 24 кадрли бўлган негативли рангли пленка — 3 сўм 50 тийиндан;

— ОРБОКОЛОМ НЦ 21 — 36 кадрли — 4 сўм 25 тийиндан;

— ОРБОКОЛОМ НЦ 19 — ўрта ҳажмли суратга олиш аппаратлари учун негативли рангли пленка — 2 сўм 70 тийиндан.

«Зенит-7» фирмалли техно-савдо маркази ва унинг филиали совет 10 дан 19 гача ишлайдди, телефофус совет 14 дан 15 гача. Дам олиш кунин — душанба.

Телефонлар: марказини — 54-04-92, 54-26-52, филиални — 45-45-53.



«Зенит-7» фирмалли техно-савдо маркази. «Союзрелма» Бутуниттифок ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон рекламга ишлаб чиқариш корхонаси.

## ОИЛА ТАЯНЧИ

эртаға қандай инсонлар бўлиб етишар эканлар? Тўғри, биз қизларнинг гурури, оналарнинг оиладаги ўрини ҳақида кўп гапиримиз. Буларни сира уйланиб, ҳар бир аёлдан фарзанд кўриб, болаларини сарсон қилиб юрган отани қандай қилиб бу муборак ном билан аташ мумкин?

